



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil «14» сентябрь

№ ПК-306

Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Жорий йилнинг 18 август куни ўtkazилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича “узлуксиз хизматлар занжири”ни яратиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда – Бизнесни ривожлантириш банки) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.**

Бизнесни ривожлантириш банки Дастурни самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий **таянч банк** этиб белгилансин.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси ва мутасадди ташкилотларнинг асосий вазифалари **1-иловага мувофиқ тасдиқлансан**.

Дастурни 2023–2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан **6 триллион сўм** ва халқаро молия институтларининг **1,2 миллиард АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари йўналтирилсин.

2. Белгилансинки, қўйидагилар “Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази” масъулияти чекланган жамиятларига (кейинги ўринларда – марказлар) онлайн ариза юбориш орқали Дастурда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади:

камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, ҳунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;

оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Бунда, Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини шаффоффлик тамойиллари асосида танлаб олиш тартиб-таомиллари **2-иловага мувофиқ** схема бўйича амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

марказлар томонидан танлаб олинган ташаббускорлар бизнес кўнималарини шакллантириш йўналишида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида ўқитилади;

амалий ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, сертификат олган ташаббускорлар Дастур доирасидаги қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланади.

4. 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини **молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш** чоралари этиб қўйидагилар белгилансин:

а) молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишида:

тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада **1,5 миллиард сўмгача** кредитлар ажратиш ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш. Бунда, **100 миллион** сўмгача кредитларни гаровсиз, **150 миллион** сўмгача кредитларни гаров талаби **50 фоизгача** пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади;

қиймати **1,5 миллиард сўмгача** бўлган асосий воситаларни **7 йилгача** бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга бериш;

24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ва охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори **1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача** бўлган ҳамда **камида 10 нафар** кишини доимий иш билан таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг янги лойиҳаларига ва мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид лойиҳаларига бўш турган давлат мулки обьектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан **20 фоизгача**, бироқ **1 миллиард сўмдан ортиқ** бўлмаган қийматда улушдор бўлиб кириш;

инновацион ишланмаларни тијоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларига давлат илмий дастурлари доирасида **2 миллиард сўмгача грант маблағларини ажратиш;**

б) консультатив қўллаб-қувватлаш йўналишида:

лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;

давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш.

Дастур иштирокчиларини молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш инструментлари ва улардан фойдаланиш шартлари **З-иловага мувофиқ** тасдиқлансан.

Марказларга ўзи томонидан кичик бизнес лойиҳаларига киритилган улушни **7 йил давомида** бозор қийматида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилиш ҳуқуқи тақдим этилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастурни узлуксиз равишда зарур молиявий ресурслар билан таъминлаб боришга масъул этиб белгилансин. Бунда, Дастурни барқарор молиявий ресурслар билан таъминлаш учун халқаро молия бозорлари ҳамда халқаро молия институтлари ҳисобидан зарур ҳажм ва муддатларда маблағлар жалб этилади.

5. Бизнесни ривожлантириш банки уч ой муддатда халқаро молия институтларининг техник кўмаги ва бошқа манбалар ҳисобидан бизнес жараёнларини автоматлаштирган ҳолда ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш учун **Бизнес порталнинг ишга туширилишини таъминласин.**

Рақамли технологиялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

2024 йил 1 январга қадар ушбу қарорга 4-иловага мувофиқ вазирлик ва идораларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг Бизнес порталга интеграция қилинишини таъминласин;

2024 йил 1 майга қадар тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги мавжуд ахборот тизимлари ва маълумот базаларини Бизнес порталга бирлаштиришни назарда тутувчи амалий чора-тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБ билан биргаликда **бир ой муддатда** қўйидаги йўналишлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларнинг ҳар бирида дехқончилик учун ижара ҳуқуқи билан берилаётган ер майдонларида маҳсулотни етиштиришдан бошлаб уни сотишгача занжирни яратишни назарда тутувчи камида биттадан “агрегатор” ва “кооперация” тизимиға асосланган лойиҳаларни амалга ошириш;

тажрибали касаначилар билан бирга касаначиларга комплекс ёрдам берувчи “касаначилар мактабларини” ташкил этиш ва уларни ушбу мактабларнинг устав капиталида иштирок этишга жалб қилиш.

Бунда, ушбу йўналишдаги лойиҳаларни амалга оширишда Дастурда назарда тутилган механизм ва инструментлар қўлланилиши белгилансин.

7. Бизнесни ривожлантириш банки “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” МЧЖ (кейинги ўринларда – Жамғарма) билан биргаликда **2023 йил якунига қадар** ҳар бир ҳудуд учун лойиҳаларни баҳолаш ва танлаб олиш, бизнесга ўқитиш, ташқи бозорларга чиқиш ҳамда марказлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ йўналишлар бўйича **малакали хорижий мутахассис ва эксперталарни** жалб қилишни таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бизнесни ривожлантириш банкининг марказлар ходимларининг камида 20 фоизини ва камида бир нафар раҳбар ходимини хусусий секторда муваффақиятли фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари орасидан танлов асосида тайинлаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталини 2023 йил 1 октябрдан **2024 йил якунига қадар** босқичма-босқич **3 триллион сўмга** етказсин;

Марказий банк ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, “Қишлоқ қурилиш банки” АТБга ажратилган умумий қиймати **544 миллиард сўм** бўлган кредит линиялари маблағларини Бизнесни ривожлантириш банкига субординар қарз сифатида қайта расмийлаштиrsин;

2024 йил 1 апрелга қадар Жамғарма устав капитали 1 триллион сүм миқдорида шакллантирилишини таъминласин;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** “Рақамли трансформация маркази” ДУКни бутун моддий-техника базаси билан бирга масъулияти чекланган жамиятга айлантириш ва унинг устав капиталидаги давлат улушкини номинал қийматда Жамғарма устав капиталига Бизнесни ривожлантириш банкининг улуши ва банқдаги давлат улушкини ошириш ҳисобига берилишини таъминласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда марказлар орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни сотишдан тушадиган **1 триллион сүм миқдоридаги маблағларни Жамғармага 10 йил муддатга фоизсиз бюджет ссудаси сифатида ажратсин.**

9. Бизнесни ривожлантириш банки ва ҳамкор банкларга Дастур доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб этиладиган ресурс маблағларини қайта молиялаштириш ваколати берилсин.

10. 2024 йил 1 январдан бошлаб оиласидай тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар **3 йилгача муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан **4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилиши белгилансин.****

11. Бизнесни ривожлантириш банкига Дастурни амалга ошириш доирасида унинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ малакали мутахассислардан иборат танлов комиссияси томонидан мустақил равишда қуйидаги харид жараёнларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин:

халқаро юридик, аудиторлик компаниялари, инвестиция маслаҳатчилари ва инвестиция банклари, илғор хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, юқори малакали хорижий эксперт ва консультантларни жалб этиш;

ахборотлаштириш қурилмалари, дастурий таъминотлар ва банкоматлар етказиб берувчи компаниялар билан шартномалар тузиш.

12. Белгилансинки, Бизнесни ривожлантириш банки мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

13. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш ва давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари, Жамғарма ва марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмасида Кичик ва ўрта бизнес ривожланишини таҳлил қилиш, қўллаб-қувватлаш ва соҳада давлат сиёсатини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилсин.

14. Бизнесни ривожлантириш банки, Инновацион ривожланиш агентлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги стартап экотизимини ривожлантириш мақсадида бизнес лойиҳаларни акселерация тамоили асосида танлаб олиш жараёнларини тўлиқ акс этирувчи туркум шоу-кўрсатувлар тайёрласин ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриб борсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни тасдиқласин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда марказларни жойлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Бизнесни ривожлантириш банки ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларни киритсин:

бир ой муддатда марказлар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш, марказлар томонидан кичик бизнес лойиҳаларини танлаб олиш, қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тартибларини тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бosh вазир ўринbosari – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини мұхокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бөш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

I. “Кичик бизнесни үзлүксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси



II. “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида мутасадди ташкилотларнинг асосий вазифалари

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) мувофиқлаширади ва молиявий ресурслар билан таъминлаб боради;

Дастур доирасида зарур бўладиган маблағлар ҳисоб-китобини амалга ошириб, уларнинг аниқ манбаларини, шу жумладан давлат бюджети, халқаро молия институтлари, хорижий ва тижорат банклари ҳамда бошқа манбалардан жалб қилинадиган ресурслар бўйича режа-жадвални тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

Марказий банк билан биргалиқда оилавий тадбиркорлик ва бошқа дастурлар доирасида имтиёзли ставкаларда ажратиладиган кредитларни босқичма-босқич бозор механизмларига ўтказади.

2. Бизнесни ривожлантириш банки:

Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва кичик бизнесга кўмаклашиш марказларининг (кейинги ўринларда – марказлар) фаолиятини ташкил қилиш, мувофиқлашириш ва уларнинг харажатларини қоплаш чораларини кўради;

кичик тадбиркорлик субъектларини ўрганишдан бошлаб молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйгунга қадар бўлган жараёнда моддий ва техник қўллаб-қувватлашни амалга оширади;

ижобий кредит тарихига эга кичик тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган кредитлаш тизимини жорий қиласди;

“бизнес ипотекаси” амалиётини жорий қиласди ва ҳудудларнинг мастер-режасини ишлаб чиқиб, коммуникация ва инфратузилмага уланган обьектларни ипотекага беради;

бизнес режа, молиявий ҳисботлар, экспорт-импорт амалиётлари, мулкларни баҳолаш, суғурталаш ва нотариал хизматлардан фойдаланиш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркорларга амалий ёрдам беради ва бепул юридик хизматлар ташкил қиласди;

тадбиркорларга бозор конъюнктураси ва бизнесни ташкил қилиш масалаларида узлуксиз ишловчи банк ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи “Бизнес 24/7” – “ягона дарча” тизимини яратади ҳамда фаолиятини таъминлайди.

3. Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси:

худудларнинг иқтисодий салоҳияти, тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб, марказларнинг дастлабки устав капиталини шакллантиради;

Жамғарма ва марказлар фаолиятининг институционал ва молиявий салоҳиятини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг эксперплари, кредитлари, инвестициялари ва техник кўмакларини жалб қиласди;

Дастур доирасида марказларнинг фаолиятини ташкил қилишни методологик жиҳатдан қўллаб-қувватлади;

марказларни босқичма-босқич мустақил ташкилотга айлантириш учун уларнинг устав капиталига тижорат банклари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қисқа ва ўрта муддатли стратегия ҳамда ёндашувларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

марказларга юклатилган вазифалар ижросини назорат қиласди, уларнинг ягона тизим асосида ишлашини таъминлайди ҳамда бу борада замонавий билим, тажриба ва технологияларни жорий қиласди;

Бизнесни ривожлантириш банки ва марказларга юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишни ташкил этиш учун мувофиқлаштирувчи ва боғловчи бўғин вазифасини бажаради;

бизнес жараёнларини, шу жумладан кредит ажратишнинг барча босқичларини автоматлаштирган ҳолда ташкил этиш, онлайн тарзда мувофиқлаштириб бориш учун Бизнес платформасини юритишни таъминлайди.

4. Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази:

кичик тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга тушириш, сотув бозорларини кенгайтириш, хусусий инвестиция шерикларини жалб қилиш, бизнес режалар ва техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва бизнесни ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ бошқа йўналишларда амалий ўқув-консультация курсларини ташкил этади ҳамда сертификат бериш тизимини йўлга қўяди;

Дастурда қатнашиш истаги бўлган ташаббускорларнинг лойиҳаларини дастлабки ва якуний таҳлил ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этади;

салоҳиятли ва сертификатга эга бўлган тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашади ҳамда уларга үлушдор бўлиб киради;

кичик тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш ва юритиш борасида комплекс консультация хизматларни кўрсатади;

бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорга чиқиш, хорижий ва маҳаллий брендлар билан боғланишга ва йирик корхоналар билан кооперация алоқаларини ўрнатишга кўмаклашади;

янги бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида ижтимоий сўровлар ташкил қилиш, тадбиркорликка оид маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳудудларнинг драйвер йўналишларини аниқлайди ва тадбиркорларга тақдим қиласди.

5. Вазирлик, идоралар, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликлар:

Дастурни самарали ташкил этиш, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратиш мақсадида:

Давлат активларини бошқариш агентлиги – бўш турган давлат мулки обьектининг ва ер майдонининг бозор қийматини аниқлаб, марказга ўтказиб берилишини ташкил қиласди;

Инновацион ривожланиш агентлиги – юқори технологик стартап лойиҳаларга давлат илмий дастурлари доирасида грант маблағлари ажратади;

Туризм қўмитаси – туристик салоҳияти юқори бўлган туман ва шаҳарлардаги ҳудудларнинг мастер режаларини ишлаб чиқиб, ушбу ҳудуддаги ер майдонларини 7 йил муддатгача сотиб олиш шарти билан улуш киритиш ёки узоқ муддатли ижара асосида тадбиркорлик субъектларига марказ орқали берилишини ташкил қиласди;

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги – кам захирали фойдали қазилма конларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш учун марказларга ўз лойиҳалари тўғрисида маълумотларни киритиб боради;

Рақамли технологиялар вазирлиги – тадбиркорлик йўналишидаги ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини Бизнес платформага интеграция қиласди;

тижорат банклари – марказлар билан биргаликда танлаб олинган лойиҳаларни молиялаштиради ва мониторинг ўтказишда иштирок этади;

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда **Савдо-саноат палатаси**:

ижарага берилган ер майдонлари ҳисобини ва мониторингини юритиш учун тегишли ахборот тизимларини ўзаро интеграция қиласди;

ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда электрон платформа орқали кутилаётган ҳосил ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш тизимини йўлга қўяди;

ҳоким ёрдамчилари – ҳамкор банклар билан биргаликда скоринг баҳолашдан ўтган дастурда қатнашаётган ташаббускор тадбиркорлар билан бевосита жойида учрашиб, лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганади ва ташаббускорларнинг дастлабки рўйхатини шакллантиради.

**“Кичик бизнесни үзлұксиз қўллаб-құвватлаш” комплекс дастурида иштирок этувчи кичик тадбиркорлик
субъектларини шаффоффлик тамойиллари асосида танлаб олиш тартиб-таомиллари
СХЕМАСИ**

Ариза бериш ва скоринг тизими	Ҳоким ёрдамчилари	Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гурӯҳлари	Марказлар	Тижорат банклари, Жамғарма ва Марказлар	Марказлар ва тижорат банклари
Ташаббускор томонидан ариза берилади, тижорат банклар күмагида скоринг баҳолаш үтказилади	Тижорат банклар күмагида скоринг баҳолашдан ўтган ташаббускорлар билан бевосита жойида учрашиб, тасдиқланган саволнома асосида белгиланган мезонларга мувофиқлиги ўрганилади ва ташаббускорларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади	Дастлабки рўйхатга киритилган ташаббускорларнинг тадбиркорлик кўниммаси ва бизнес- режаларининг яшовчанлигини баҳолаш асосида истиқболли loyiҳalар танлаб олинади ва улар фаолияти даври, пул айланмаси ва ишчилар сонига қараб тоифаларга ажратилади	Ўқитиш ташкил этилади ва имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга сертификат берилади	Танлаб олинган loyiҳalар қўйидагича молиявий ва консультатив қўллаб- құвватланади: а) кредитлар ажратиш; б) лизинг хизматлари кўрсатиш; в) бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш; г) улушдор бўлиб иштирок этиш; д) грант маблағлари тақдим этиш; е) консультация хизматларини кўрсатиш	Тегишли бизнес режалари амалга oshiрилишининг мониторинги юритилади ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришилгандан сўнг киритилган улушни белгиланган тартибда сотиш чоралари кўрилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорига
З-илова

**“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури
иштирокчиларини молиявий ва консультатив қўллаб-қувватлаш
инструментлари ва улардан фойдаланиш шартлари**

I. Молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари

1. Кредитлар ажратиш:

а) 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар

Иштирокчилар:	камида бир йил мобайнида фаолият юритиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, ҳунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари; оиласиб тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача ажратилади

б) 150 миллион сўмгача гаров талаби пасайтирилган револьвер кредитлар

Иштирокчилар:	кичик тадбиркорлик субъектлари
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 36 ойгача ажратилади

в) 1 миллиард сўмгача кредитлар

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қўйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари : охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 500 млн сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган;
Фоиз ставкаси:	камида беш нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада	

Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари: асосий воситаларни сотиб олиш учун **24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача ажратилади**

г) 1,5 миллиард сўмгача кредитлар

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қўйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари : 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	асосий воситаларни сотиб олиш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача ажратилади.

2. 1,5 миллиард сўмгача лизинг хизматлари кўрсатиш:

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қўйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари : 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Мақсади ва муддатлари:	асбоб ускуналар, технологик жиҳозлар ва маҳсус техникаларни сотиб олиш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача амалга оширилади

3. 1,5 миллиард сўмгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарзга асосий восита олиб бериш:

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қўйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари : 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
---------------	---

Мақсади ва муддатлари: асбоб ускуналар, технологик жиһозлар ва маҳсус техникаларни сотиб олиш учун **24 ойгача имтиёзли давр** билан **84 ойгача амалга оширилади**.

4. Лойиҳаларда 1 миллиард сўмгача миқдорда улушдор бўлиб иштирок этиш:

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қўйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари : 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Қўллаб-қувватлаш тури:	бўш турган давлат мулки обьектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан 20 фоизгача, бироқ 1 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган қийматда улушдор бўлиб иштирок этиш
Улушдан даромад:	кичик тадбиркорлик субъекти фаолияти натижасидаги соғ фойдадан дивидендлар; улушни бозор баҳосида баҳолаб сотишда кўриладиган фойда
Улушдан фойдаланиш муддатлари:	марказлар томонидан лойиҳага киритилган улушни 7 йил давомида бозор қийматида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилиш.

5. 2 миллиард сўмгача грант маблағлари тақдим этиш:

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган кичик тадбиркорлик субъектлари
Қўллаб-қувватлаш тури:	кичик тадбиркорлик субъектларида инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларга давлат илмий дастурлари доирасида 2 млрд сўмгача грант маблағлар ажратиб борилади. Бунда: марказларда ташкил этиладиган Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳлари томонидан ушбу йўналишдаги лойиҳалар танлаб олинади ва Инновацион ривожланиш агентлигига маъқуллаш учун тақдим этилади; Инновацион ривожланиш агентлиги 15 иш кунида белгиланган тартибда кўриб чиқиб, маъқулланган лойиҳаларни Марказларга тақдим этади; марказлар маъқулланган лойиҳалар ташаббускорларини маҳсус дастурлар асосида ўқитади ва сертификат олган ташаббускорларни грант маблағлари ажратиш учун Инновацион ривожланиш агентлигига йўналтиради;

Инновацион ривожланиш агентлиги мазкур лойиҳаларни белгиланган тартибда **молиялаштиради**;
Инновацион ривожланиш агентлиги давлат илмий дастурлари доирасида молиялаштирилган **тижоратлаштириш ва стартап лойиҳалари рўйхатини** амалиётга жорий қилиш ва кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида марказларга тақдим этиб боради.

II. Консультация хизматларини кўрсатиш

Қўйидаги масалалар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш:
лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш; давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоатларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш; тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорига
4-илова

**Бизнес порталга тадбиркорлик йўналишидаги ахборот тизимлари
ва маълумотлар базалари интеграция қилинадиган
вазирлик ва идораларнинг
РЎЙХАТИ**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.
2. Адлия вазирлиги.
3. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги.
4. Рақамли технологиялар вазирлиги.
5. Ички ишлар вазирлиги.
6. Марказий банк ва тижорат банклари.
7. Давлат активларини бошқариш агентлиги.
8. Солиқ қўмитаси.
9. Божхона қўмитаси.
10. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги.
11. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси.
12. Савдо-саноат палатаси.

Изоҳ: заруратга кўра, бошқа вазирлик ва идораларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг Бизнес порталга интеграция қилинишига руҳсат этилади.

